

# Кузги Буғдойнинг Истиқболли Навларини Ёмғирлатиб Суғориш Усулинин Қўллашни Ўсиш Ва Ривожланишга Таъсири

Хусанов Дилмурод Дехқановиши<sup>1</sup>, Мамурува Надира эргашибоевна<sup>2</sup>

**Аннотация:** Ушбу мақолада буғдой навларида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ҳосилдорликни оширишнинг асосий омилларидан бири сувтежамкор усусларни қўллаш тизими ҳамда суғориш режимини жорий этиш бўйича илмий изланишлар натижалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** суғориш режими, вегетация даври, суғориш техникаси, суғориш технологиялари, суғориш усуслари, суғоришнинг давомийлиги, суғориш меъёри, сув исрофи, сувдан фойдаланиш коэффициенти.

**ЁМГИРЛАТИБ СУҒОРИШ** қишлоқ хўжалиги экинларига сувни ёмғир шаклида бериш усули сунъий ёмғир ҳосил қилишда кўчма ёки кўчмас ёмғирлатиши машиналари ва қурилмалари ишлатилади. Ёмғирлатиб суғориш бўйича тадқиқотлар бир неча мамлакатларда XIX асрда ўтказилган, XX бошларидан ишлаб чиқаришда қўлланила бошлади. Кўпгина чет мамлакатларда (АҚШ, Италия, Германия, Венгрия, Болгария, Чехия давлатларда кенг миқёсда қўлланилади. Қозогистонда ва Қирғизистонда экин майдонларининг катта кисми шу усуlda суғорилади. Ёмғирлатиб суғориш айниқса намланиш бекарор бўлган майдонларда сабзавот, емхашак, фалла, техника экинлари, мева ва резаворлар етиширишда кўп қўлланилади. Суғорма дехқончилик зонасида чучук ва кисман минераллашган грунт сувлари ер юзасига яқин жойлашган ўтлоқи ва бўзўтлоқи тупрокларда ҳамда сув ўтказиш қобилияти юқори бўлган тупрокларда Ёмғирлатиб суғориш қўлланилади. Эгатлар орқали ёки тупрок сиртидан суғоришнинг бошқа турларига қараганда Ёмғирлатиб суғориш қатор афзалликларга эга ўсимлик ривожи учун қулай шароит яратади, факат тупрок намини оширибгина қолмай, кавонинг ер юзасига ёндош қатламида ҳам намлини кўпайтиради, ҳаво ҳароратини пасайтириб, буғланиш ва ўсимлик транспирацияси сарфини камайтиради. Ёмғирлатиб суғориш ўсимликдаги чангни ювиб, уларнинг нафас олишини, органик моддалар тўпланишини кучайтиради, ўсимлик ривожланишини яхшилайди, барча физиологик жараёнларни фаоллаштиради. Ёмғирлатиб суғориш рельефи мураккаб ҳамда сув ўтказувчанлиги юқори бўлган жинсларда жойлашган ерларда, тупрок қатлами юпқа жойларда, сувни оқизиб суғориш катта ҳажмдаги тупрок текислаш ишларини талаб этадиган ёки сув фильтрацияси сарфи катта бўлган далаларда ўсимлик учун қулай намлини сақлашга имконият яратади. Ёмғирлатиб суғоришда муваққат суғориш шоҳобчаларига эҳтиёж қолмайди, натижада ер майдонида тўлароқ фойдаланилади. Ёмғирлатиб суғоришда оқизиб суғоришга нисбатан грунт сувлари ер юзасига яқин (1—2 м) чукурликда жойлашган ўтлоқи тупрокларда суғориш нормаси 1,5—2,0 марта, оч тусли бўз тупроқларда 15—20% га камаяди. Ёмғирлатиб суғориш сувни сарфлашда тежамкорлик таъминлаш билан бирга сув билан бирга ўғит беришга имкон беради, меҳнат унумдорлигини оширади.

**Минерал озиқлантириши.** Кузги буғдой дон ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитлар мухим ўринни эгаллайди. Кузги буғдой озиқа моддаларига ўта талабчан экин бўлиб, дон ҳосилининг 50% дан ортиғи минерал ўғитлар ҳисобига тўғри келади. Буғдойнинг 1 ц дон ҳосили ва шунга мос равишида сомон ҳамда илдиз массаси шаклланиши учун азот 3,0-3,5 кг, фосфор 1,2-1,8 кг, калий 2,0-2,3 кг талаб этилади. Шу сабабли буғдойдан юқори ҳосил етишириш учун ушбу моддаларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш зарур. Юқори дон ҳосили етишириши ва тупроқ унумдорлигини сақлаш учун режалаштирилган ҳосил билан ўсимлик ўзлаштирадиган озуқа элементлари ерга тўлиқ қайтарилиши керак.

**Минерал ўғитлар меъёри.** Кузги буғдойнинг яхши ўсиб ривожланиши ва юқори дон ҳосили етиширишда ўсимликнинг мавсум давомида озуқа элементлар билан мунтазам равишида таъминланишига боғлиқ. Ўғитлар самарадорлиги ўсимликнинг барча озиқа элементларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилишига, яъни ўғитлар биргаликда қўлланилишига қараб аниқланади. Озиқлантиришни илмий асосда ташкил этиш тупроқ унумдорлиги, нав хусусияти ва ўсимликнинг озиқага бўлган эҳтиёжига кўра белгиланади. Буғдойдан юқори дон ҳосили олиш учун минерал N 180-210, P 125-150, K 90-105 кг/га меъёрда қўллаш тавсия этилади.

**Минерал ўғитларни қўллаш усули ва муддати.** Кузги буғдой етиширишда минерал ўғитлар меъерини тўғри белгилаш билан бирга мақбул муддатда берилишини таъминлаш лозим. Ўғитларни қўллаш муддати дон сифатига сезиларли таъсири кўрсатишни таъкидлаш керак. Минерал ўғитлар шудгор остига, экиш олдидан ва вегетация даврида туплаш, найчалаш ва бошоқлашда берилади. Асосий ўғит сифатида харакатчанлиги паст бўлган фосфорли ва калийли ўғитлар экиш олдидан берилса, вегетация даврида озиқлантиришда азотли ўғитлар қўлланилади. Кузги буғдойни озиқлантириш бир неча боскичларда амалга оширилиб, бунда озиқлантириш сони ва муддатига

<sup>1,2</sup> таянч докторант Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

эътибор қаратилади. Еланчик ва Васса буғдой навларини биометрик маълумотларини тажриба тизимида кўриб чиқилди.

### ТАЖРИБА ТИЗИМИ

#### 1-жадвал Эланчик буғдой навининг биометрик маълумотлари

Вариант-лар №	Ўсимлик бўйи см	Бошоқ узун-лиги	Бошоқчалар сони	1 та бошоқдаги дон сони	1 та бошоқдаги дон вазни гр	1000 дона дон вазни
1-вариант	92	12	19	53	6.3	45.6
	89	10	19	51	6.7	
	83	9	17	45	5.9	
ўртачаси	88	10.3	18.3	49.6	6.3	
2-вариант	97	12	21	51	5.9	
	94	9	19	36	5.4	
	87	8	15	38	5.1	
ўртачаси	92.6	9.6	18.3	41.6	5.4	
3-вариант	96	11	19	46	5.9	
	94	10	18	44	5.6	
	90	8	15	32	5.7	
ўртачаси	93.3	9.6	17.3	40.6	5.7	

#### 2-жадвал Васса буғдой навининг биометрик маълумотлари

Вариантлар №	Ўсимлик бўйи	Бошоқ узунлиги	Бошоқчалар сони	1 та бошоқдаги дон сони	1 та бошоқдаги дон вазни гр	1000 дона дон вазни
1-вариант	94	10	19	62	5.8	38.7
	90	9	18	58	6.0	
	83	7	15	37	5.7	
ўртачаси	89	8.6	17.3	52.3	5.8	
2-вариант	100	11	20	45	4.9	
	92	10	19	39	5.1	
	88	8	17	39	5.2	
ўртачаси	93.3	9.6	18.6	41	5.0	
3-вариант	96	11	20	57	5.9	
	93	9	17	45	5.7	
	89	8	16	42	5.5	
ўртачаси	92.6	9.3	17.6	48	5.7	

#### 3-жадвал Эланчик ва Васса буғдой навларининг сифат назорати

Буғдой нави	Натура	Намлик %	Оксил %	Клейковина	1000 дона дон вазни	
Эланчик	765	8.87	13.91	23.64	45.6	
Васса	850	10.3	12.4	25.5	38.7	

### Хулоса

Юқоридагалардан келиб чиқиб тажрибада олинган бир йиллик маълумотларга асосланиб қўйидагича хулоса қилиш мумкин:

- Буғдойнинг ўсув даври буғдойнинг навбатдаги озиқлантириш найчалаш даврининг бошланишидаги хосилдорлигига сугориш тартиблари таъсири ўрганилди.
- Андижон вилоятининг оч-тусли бўз тупроклари шароитида кузги бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли хосил олиш учун, сут-мум пишиш даврида сув вегетация охиригача қўйилганда ёмғирлатиб сугориш усулда сугоришга нисбатан мавсумий сугориш меъёри,  $4500 \text{ m}^3/\text{га}$  га иқтисод қилинди.
- Сугориш тартиблари буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига боғлиқ эканлиги тадқиқот натижаларида акс этди. Буғдойнинг униб чиқиш, тупланиш, найчалаш мум пишиш тўлиқ пишиш даврларда буғдойнинг бўйи назорат анъанавий усулга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

- Дала тажрибаларини ўтказиш услублари – ЎзПИТИ, Тошент 2007, Б. 176.
- Дарибаев Й. Экинларни сугориш ва хосилдорлик. –Т.: Мехнат, 2010. Б.103.

3. Хўжаев.Х. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши. «Ўсим. физ». // Тошкент. «Меҳнат», 2004. 161-169-б.
4. Ҳасанов.Б.А., Гулмуродов.Р.А. //Фалла ва шоли экинларида уруғ дорилари, фунгицидлар ва биологик фаол моддаларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. Тошкент. 2013. 10-б.